

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВА ШАҲНОЗА ГАНИШЕРОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ
ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.10. – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economic sciences**

Акрамова Шахноза Ганишеровна

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида
инсон капиталини ривожлантириш 3

Акрамова Шахноза Ганишеровна

Развитие человеческого капитала в условиях формирования
инновационной экономики в Узбекистане 25

Akramova Shakhnoza Ganisherovna

Development of human capital in conditions of innovative economy
formation in Uzbekistan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВА ШАҲНОЗА ГАНИШЕРОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ
ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.10. – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNnet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахимова Нигина Хайруллаевна
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Зокирова Нодира Қаландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__»_____куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-13; факс: (99871) 232-60-22; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72 факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____куни тарқатилди.

(2019 йил «__»_____даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Қ.Х. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги

Н.Т. Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган жараёнлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омиллар орасида нисбат ўзгараётганини яққол кўрсатмоқда. Жаҳон банки дунёнинг «141 та давлат мисолида глобал миллий бойлик таркибини тадқиқ этиш давомида инсон капиталининг унинг умумий қийматидаги улуши 64 %ни ташкил этиши ва сўнгги 20 йил давомида унинг хажми 55 %га ўсгани маълум бўлган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо бўлган юқори даромадли мамлакатларда инсон капиталининг миллий бойликдаги улуши 70 %ни ташкил этган бўлса, қуйи даромадли мамлакатларда унинг ҳиссаси 41 %га тўғри келди»¹. Айнан инсон капиталидаги фарқлар мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва умуман, инсон тараққиётидаги фарқларни белгилаб бермоқда, хусусан, «мамлакатлар ўртасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлардаги фарқларнинг 10-30 % айнан инсон капитали билан изоҳланиши»² маълум бўлмоқда.

Ҳозирда жаҳон миқёсида инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини аниқлаш, миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш, тўлиқ намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш масалалари мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва барқарор ривожланишини таъминлаш жиҳатидан илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада илмий тадқиқотларда инсон капитали ривожланганлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш, инсон капитали таркибий унсурларининг ўзаро муносабатини баҳолаш, инновацияларнинг жорий этилиши ва тарқалишига таъсирини аниқлаш, инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали усуллари тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда «инсон капиталини ривожлантириш ва бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш»³, хусусан узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида «инсон капиталини ривожлантириш асосий мақсад ва мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида белгиланиб, 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, таълимнинг барча даражаларида сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш шунингдек,

¹ Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6.

² World Bank Group. Human Capital: A Project for the World, 2018. October, 13. Development Committee Meeting. <https://www.devcommittee.org/sites/www.devcommittee.org/files/download/Documents/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш»⁴ каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, «Президентнинг илм-фан намоёндалари билан мулоқоти давомида илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш вазифасининг муҳимлиги»⁵ таъкидланди. Ушбу вазифаларни самарали ижро этишда инсон капитали ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт шаклланишига инсон капиталининг таъсирининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 22 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон капитали назариясига мустақил назария сифатида XX асрнинг 50-60 йилларида Чикаго мактаби намоёндалари томонидан асос солинди, T.Schultz, G.Becker, H.Bowen, M.Blaug, J.Mincer, S.Polachek ишларида унинг назарий ва услубий асослари шакллантирилиб, ривожлантирилди⁶.

E.Denison, R.Lucas, N.Mankiw, D.Romer, D.Weil, J.Benhabib, M. Spiegel инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида баҳолаб, эмпирик тадқиқотлар асосида ушбу фикрларини макроиқтисодий моделлар орқали исбот

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони www.lex.uz

⁵ Инновацион ғояларни илм-фан ва саноатга кенг татбиқ этиш – ислохотлар самарадорлигининг бош мезони / Халқ сўзи, № 107 (7337). 25 май 2019 йил.

⁶ Becker, Gary. Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis // Journal of Political Economy, 1962. Vol. 70(5, Part 2, Supplement), pp. 9-49.; Schultz, Theodore W. Investment in Human Capital // The American Economic Review, 1961. vol. 51(1), pp. 1-17.; Bowen, H.R. Investment in Learning. San Francisco: Jossey-Bass, 1977. P. 507.; Blaug M. The empirical status of human capital theory: A slightly jaundiced survey/ Journal of economic literature. 1976 Sep 1;14(3): pp. 827-55.; Jacob Mincer. Investment in Human Capital and Personal Income Distribution // Journal of Political Economy, 66, August 1958. pp. 281-302.; Mincer J, Polachek S. Family Investments in Human Capital: Earnings of Women // Journal of Political Economy Volume 82 Number 2, Part II March/April 1974 <http://www.nber.org>

қилишган⁷. Инсон капиталини таълим орқали баҳолаш R.Barro, J.Lee, V.Ahuja, D.Filmer, D.Cohen, M.Soto, W.Lutz, A.Goujon, K.C.Samir ишларида амалга оширилган⁸. Таълим, саломатлик ва демографик жараёнлар каби инсон капиталининг турли таркибий қисмлари орасидаги боғлиқлик ва ўзаро муносабат J.Caldwell, E.Hannum, E.Pradhan ва D.Canning илмий ишларида тадқиқ этилган⁹.

МДХ мамлакатларидан С.Г.Струмилини тадқиқотлари инсон капитали назариясининг шаклланишига туртки бўлган ишлар қаторида баҳоланади¹⁰. Инновацион ривожланишнинг устувор омили сифатида макро-, мезо- ва микро-даражада инсон капиталининг ривожланиши ва амал қилишининг турли жиҳатлари А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин, И.В.Скоблякова сингари олимлар томонидан ўрганилган¹¹.

Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, академиклар Р.А.Убайдуллаева, К.Х.Абдурахмонов ва С.С.Ғуломов инсон капиталининг турли жиҳатларини тадқиқ этганлар¹². Инсон капиталининг назарий-методологик жиҳатлари А.А.Артиков, Н.К.Зокирова, О.К.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Х.П.Абулқосимов, А.В.Вахабов¹³, унинг ижтимоий-демографик

⁷ Denison, E. The Sources of Economic Growth in the US, New York: Supplementary paper n13, 1962. Committee for Economic Development; Lucas R.E. On the Mechanics of Economic Development // Journal of Monetary Economics, 1988. n 22 (1), 3-42; Mankiw, N., D. Romer, and D. Weil. A Contribution to the Empirics of Economic Growth // Quarterly Journal of Economics, 1992, 107, 407-437.; Benhabib, Jess and Mark M. Spiegel. The Role of Human Capital in Economic Development: Evidence from Aggregate Cross-Country Data // Journal of Monetary Economics, 1994, 34, 143-173.

⁸ Barro, R. and J.W. Lee. International Data on Educational Attainment: Updates and Implications // Oxford Economic Papers, 2001, 53(3); Ahuja V, Filmer D. Educational Attainment in Developing Countries: New Estimates and Projections Disaggregated by Gender // World Bank Policy Research Working Paper No. 1489, 1995.; Cohen, D., Soto, M. Growth and human capital: good data, good results // J. Econ. Growth, 2007, XII, 51-76.; Lutz, W. and A. Goujon. The world's changing human capital stock: Multi-state population projections by educational attainment // Population and Development Review, 2001, 27(2): 323-339.

⁹ Caldwell J. Mass Education as a Determinant of the Timing of Fertility Decline // Population and Development Review, 1980, 6(2):225.; Hannum E. Educational Expansion and Demographic Change: Pathways of Influence. <http://info.worldbank.org/etools/docs/library/48383/emilyi.pdf>; Pradhan, E. & D. Canning. The effect of schooling on teenage fertility: evidence from the 1994 Education Reform in Ethiopia. PGDA Working Paper No. 128, 2015. <http://www.hsph.harvard.edu/pgda/working/>

¹⁰ Струмилини С.Г. Проблемы экономики труда. – М.: Наука, 1982. – 472 С.

¹¹ Добрынин, А.И. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования / А.И. Добрынин, С.А. Дятлов, Е.Д. Цыренова. – СПб.: Наука, 1999. 309 с.; Капелюшников Р.И. Экономический подход Гэри Беккера к человеческому поведению. США: экономика, политика, идеология, 1993, № 11, с. 17-32.; Симкина, Л.Г. Человеческий капитал в инновационной экономике. – СПб.: СПбГНЭА, 2000. 48 с.; Корицкий А.В. Человеческий капитал как фактор экономического роста регионов России: монография / науч. ред. Т.В. Григорова; Новосибирск: Сибирский университет потребительской кооперации, 2010. – 368 с.; Корчагин Ю.А. Человеческий капитал и инновационная экономика России. Монография.– Воронеж: ЦИРЭ, 2012.; Скоблякова, И.В. Циклы воспроизводства человеческого капитала. Монография. – М.: Машиностроение-1, 2006. – 196 с.

¹² Убайдуллаева Р.А. Институциональные основы и механизмы обеспечения информационной безопасности молодежи. Монография / Под научной редакцией академика Р.А.Убайдуллаевой. Коллективная монография; – Т.: Iqtisod-Moliya, 2017. – 220с.; Абдурахмонов К.Х. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий кадрят. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи» 2017. – 346б.; Гулямов С.С. ва бошқ. Ўзбекистонда инсон капитали омилининг ўзаро алоқалари самарадорлиги //Молия. – Тошкент, 2014. - №4. 119-127 б.

¹³ Артиков А.А., Зокирова Н.К., Абдурахманов О.А. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 156 С.; Умурзаков Б.Х. Основные критерии оценки развития человеческого потенциала и их характеристики // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Монография под ред. Акад. Р.А.Убайдуллаевой. – Т., 2012. – С. 183-192.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: ТМИ, 2005. – 182 б.; Вахабов А.В. Инсон капиталининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари // Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш. Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Lesson Press. 2017. 5-126.

хусусиятлари Л.П.Максакова, Н.Х.Рахимова, Д.М.Каримова¹⁴, таълим комплексини ривожлантириш ва унинг инсон тараққиётидаги ўрни З.Я.Худойбердиев, Д.Н.Рахимова, М.Х.Саидов¹⁵ томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқотлар Ўзбекистонда инсон капитали ривожланишини баҳолаш масалаларига улкан ҳисса қўшган. Шундай бўлсада, замонавий шароитларда инсон капиталининг демографик жиҳатларини янада фаоллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ўтиш шароитида республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурати мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот марказининг № Ф1-ФА-1-16435 «Миллий иқтисодиёт инновацион ривожланишининг илмий-услугий асослари» (2013-2017) фундаментал лойиҳа, ҳамда № А-2-1-рақамли «Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«инсон капитали» концепциясига назарий ёндашувлар генезисини таҳлил қилиш;

инсон капитали илмий категориясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва унсурларини тадқиқ этиш ҳамда муаллифлик қарашларини шакллантириш;

инновацион иқтисодиёт шаклланишига инсон капитали ривожланганлик даражасининг таъсирини баҳолаш;

республикада инсон капиталини ривожлантиришнинг демографик жиҳатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

инсон капиталининг ривожланишида таълим тизимининг аҳамиятини асослаш ва республикада инсон капиталини ривожлантириш мақсадида таълим тизимини ислоҳ этиш йўналишларини аниқлаш;

инсон капиталининг ривожланиш ҳолатини социологик сўров асосида баҳолаш;

¹⁴Максакова Л. П. Высшее образование как фактор качественного развития населения и экономики // Демографический потенциал стран ЕАЭС : VIII Уральский демографический форум. Том II. — Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2017. — С. 143-148.; Рахимова Н. Х. Основы социальной стратификации современного общества: теория, зарубежный и отечественный инструментарий. Учебное пособие. — Т.: Ижтимоий фикр, 2018. — 190с.; Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Ташкент, «Baktria Press» 2012. С.199-207.

¹⁵ Худойбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Автореферат дис.док.экон.наук. — Е.: ИЭ АН РУз, 2002.; Рахимова Д.Н., Одилов Т. Подготовка научных кадров 21 века. Международный форум "Financial centers: Travelling around the world": Сб. статей, Москва, 2015.; Саидов М.Х. Узбекистан: Инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. Москва, Книжный дом газеты «Труд», 2006.

мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш истиқбол йўналишларини аниқлаш мақсадида аҳолининг ёш-жинс ва эгаллаган маълумот даражасига кўра таркиб прогнозини амалга ошириш;

республикада инсон капиталини ривожлантиришда оила институтининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси инсон капиталининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари олинган.

Тадқиқот предмети инсон капиталини ривожлантириш жараёни давомида ҳосил бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, анкета сўровномалари, иқтисодий-статистик таҳлил, корреляцион регрессион таҳлил, демографик прогнозлаштиришнинг мультистатусли когорт компонент усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республикада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими туғилишда кутилаётган соғлом умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи асосида такомиллаштирилган;

инсон капиталига инвестициялардан қайтим нормасини олий таълимдан кейинги таълимга қилинадиган инвестиция даражасига мос равишда такомиллаштириш асосланган;

республикада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва аҳоли мос ёш гуруҳининг олий таълим билан қамров даражасининг босқичма-босқич оширилиб боришини ҳисобга олган ҳолда демографик ривожланишнинг ўрта ва узок муддатли истиқбол кўрсаткичлари асосида инсон капитали прогнози ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорлик авлодлараро инсон капиталининг трансфери воситаси ва ўзини ўзи иш билан мустақил банд қилиш омили сифатида ривожлантириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инсон капиталининг миллий иқтисодиёт ривожланишининг инновациявийлик даражасига ижобий таъсир этиши асослаб берилган;

республика ва ҳудудларда инсон капиталининг ривожланганлик даражасини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш таклиф этилган;

узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва таълим тизимининг барча босқичларида аҳоли мос ёш гуруҳларининг қамров кўрсаткичларини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

инсон капиталини ривожлантириш жиҳатидан нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга доир ҳукумат меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилди;

миллий инсон капиталини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаларига қабул миқдорларини белгилаш механизмининг такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар ва ахборот

базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилган, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш, унинг демографик хусусиятларидан самарали фойдаланиш, инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида бутун ҳаёт давомида таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга доир илмий аппаратнинг такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар ҳукумат даражасида инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ стратегик қарорлар, инвестицион дастурлар, ҳамда таълимни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкинлигидан иборат. Алоҳида таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сингари тузилмалар томонидан қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан «Инсон тараққиёти», «Демография», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

республикада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими асосида ҳудудларда инсон капиталининг ривожланишини мониторинг қилишни йўлга қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини шакллантиришда маҳаллий меҳнат идоралари учун амалий қўлланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 01/00-02/08-3420-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф меҳнат ресурсларининг малакавий ва ҳудудий мобиллик, малака ошириш ва касбга қайта тайёрлаш ҳолати бўйича ахборотларни тўплаш ва қиёсий таҳлил қилиш имконини берган;

жамиyatда инсон капиталига сарфланадиган инвестиция даражасини аниқлашга қаратилган социологик сўров натижалари асосида инсон капиталига инвестиция қайтим нормасини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган. Мазкур таклиф давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқот мауссасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини белгилаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштиришда инобатга олинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 01/00-02/08-3420-сонли маълумотномаси). Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан соҳасида банд ходимларни моддий рағбатлантиришни кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда демографик ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқбол кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган инсон капитали ривожланишининг прогноз параметрлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 88/1-ич-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1011-сонли қарори асосида мавжуд меҳнат ресурслари, аҳолини ишга жалб қилиш кўрсаткичлари ҳаққонийлиги ва меҳнат ресурслари балансларининг мутаносиблигини сақлаш мониторинги ва меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш прогноз балансини ишлаб чиқишда қўлланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 01/00-02/08-3420-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликдан фойдаланиш меҳнат ресурсларини ёш-жинс, маълумотлилиқ даражасига кўра таркибини прогноз қилиш асосида меҳнат ресурсларининг таркибини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва меҳнат бозорида истиқболда кутилаётган демографик босимни баҳолаш имконини берган;

жамиятда ҳар бир оила инсон капиталининг шаклланиши, ривожланиши ва ундан самарали фойдаланишдаги ролини аниқлаш асосида республикада оилавий тадбиркорликни ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга доир тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4231-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг 2019 йил 11 мартдаги 58-ИЧ-сон буйруғини тайёрлашда инобатга олинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 01/00-02/08-3420-сонли маълумотномаси). Ушбу тақлиф авлодлараро билим ва тажрибанинг алмашинуви асосида меҳнат бозорига илк марта кириб келаётганларни оилавий тадбиркорликка жалб этиш орқали иш билан бандлик даражасини оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бир қатор илмий анжуманларда, жумладан, 7 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 49 та илмий иш чоп этилди, улардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шу жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 186 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Диссертация доирасида нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капитали ривожланишининг назарий асослари**», деб номланган биринчи бобида инсон капитали концепцияси шаклланишининг назарий жиҳатлари ва босқичлари, инсон капиталининг асосий таркибий унсурлари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, «инсон капитали» категориясининг бошқа иқтисодий категориялар билан муносабати ўрганилган. Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва инсон капитали орасида боғлиқлик баҳоланган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Инсон капитали тўғрисидаги хорижий ва маҳаллий иқтисодий фикрларни тизимлаштириш натижасида инсон капитали назарияси ривожланиши 1-расмда кўрсатилган босқичларга ажратилди.



1-расм. Инсон капитали назариясининг ривожланиши¹⁶

Инсон капитали назарияси жуда мурраккаб ва кўп қиррали жараёнларни ёритишга бағишланганлиги сабабли, унинг моҳиятини аниқлашда жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ёндашувларини қиёсий таҳлил қилиш асосида инсон капитали тушунчасига муаллифлик таърифи таклиф этилган: «Инсон капитали – узлуксиз равишда инвестициялар асосида шакллантириладиган ва ривожлантириб бориладиган меҳнат жараёнида қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва даромаднинг ошишига сабаб бўлувчи билим, малака, касбий тайёргарлик,

¹⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.


саломатлик, инновацион ижодкорлик сингари яратувчанлик қобилиятлари йиғиндисидир».

«Миллий инсон капитали» тушунчасига таъриф берилди, «миллий инсон капитали мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ошишини таъминловчи, аҳолисининг ва хусусан, мамлакатда шаклланган меҳнат ресурсларининг тўплаган фойдали билим, малака, қобилият, саломатлик захирасидир».

Замонавий шароитларда инсон капиталининг инновацион ривожланиш омили сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли ҳаёти сифатини ошириш билан боғлиқ бошқа соҳаларга қўйилмалар нафақат индивидуал инсон капиталига инвестиция, балки инновацион иқтисодиёт мазмунини шакллантирувчи асосий шартга айланган.

Инсон капиталининг ривожланганлик даражаси иқтисодиёт инновациялиги ва рақобатбардошлигини белгиловчи омил сифатида юзага чиқади. Тадқиқотда ушбу фикр математик усуллардан фойдаланган ҳолда исботлашга ҳаракат қилинган. Буни амалга ошириш мақсадида глобал инсон капитали индекси қиймати глобал инновациялар индекси ва глобал рақобатбардошлик индекси қийматлари орасида корреляция мавжудлиги текширилди. Глобал инновациялар индекси, глобал рақобатбардошлик индекси ва инсон капиталининг 2017 йил маълумотларидан фойдаланган ҳолда, жаҳоннинг ушбу индекслар ҳисобланадиган барча мамлакатлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида инсон капитали индекси ва инновациялар индекси орасидаги боғлиқликнинг корреляция коэффиценти 0,85 ва инсон капитал ҳамда рақобатбардошлик индекси орасидаги корреляция коэффиценти 0,84 га тенг кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.


Инсон капитали ва инновациялар индекси орасидаги боғлиқликни эконометрик баҳолаш натижалари мамлакатнинг инсон капитали индексидаги қийматининг 1 бирликка ўзгариши унинг глобал инновациялар индекси қийматининг 1,228 бирликка ўзгаришига олиб келишини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Инсон капитали ва иқтисодиётнинг инновациялиги орасидаги боғлиқлик¹⁷

¹⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Регрессия моделининг детерминация коэффициенти (R-квадрат), Фишер мезони (F-статистика), Стьюдент мезони (t-статистика), P-эҳтимоллик қиймати сингари барча мезонлар бўйича текшириш натижасида регрессия тенгламасининг статистик аҳамиятлилиги ва моделнинг адекватлиги тасдиқланди. Глобал рақобатбардошлик индекси қийматига инсон капитали индекси қийматининг таъсирини баҳолаш натижалари ушбу иккала кўрсаткич орасида ҳам кучли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди (3-расм).



3-расм. Глобал рақобатбардошлик индекси ва инсон капитали орасидаги боғлиқлик¹⁸

Ҳисоб-китоб натижаларидан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб, инсон капитали ва уни ривожлантириш ва фаолияти билан боғлиқ жараёнлар иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, барқарор ўсиши ва инновацион иқтисодиёт шаклланишини таъминловчи асосий йўналишлар сифатида намоён бўлмоқда.

Тадқиқот давомида глобал инновациялар индекси (Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқ.), глобал рақобатбардошлик индекси (Жаҳон иқтисодий форуми), инсон тараққиёти индекси (Бирлашган Миллатлар ташкилоти), инсон капитали индекси (Жаҳон иқтисодий форуми), инсон капитали индекси (Жаҳон банки) сингари индекслар тадқиқ этилган.

Инсон капиталининг асосий унсурларини таснифлаш ва уни баҳолашга доир кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида инсон капиталининг таркибий унсурлари доирасида ривожланганлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими таклиф этилган (1-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар асосида халқаро даражада ҳамда республика вилоятлари кесимида инсон капиталининг ривожланганлик ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш ва пировардида инсон капиталининг ривожланишидаги фарқларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда услубий дастак сифатида фойдаланиш таклиф этилди. Шу билан бирга, таҳлиллар натижасида инновацион иқтисодиёт шаклланишида инсон капиталининг аҳамияти асосланганидан келиб чиқиб, уни янада ривожлантириш ва самарали фойдаланиш учун замин яратишга хизмат қилувчи мамлакат ва алоҳида ҳудудлар миқёсида инсон капиталининг ривожланганлик ҳолатини мониторинг қилиб борувчи тизимни шакллантириш таклиф этилган.

¹⁸ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

**Инсон капиталининг ривожланганлик даражасини ифодаловчи
кўрсаткичлар тизими¹⁹**

Инсон капитали унсурлари	Кўрсаткичлари
Саломатлик	Туғилишда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, йил; Туғилишда кутилаётган соғлом умр кўриш давомийлиги, йил; Гўдаклар ўлими коэффициенти, ‰; Болалар ўлими коэффициенти, ‰; Оналар ўлими коэффициенти, ‰.
Таълим	Ўрта махсус таълим билан қамров, ‰; Олий таълим билан қамров, ‰; Таълим сифатини баҳоловчи тест натижалари, балл. (PISA, TIMSS ва бошқ.); 25 ёшдан катта аҳоли таркибида ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар улуши, ‰; 25 ёшдан катта аҳоли таркибида олий маълумот даражасига эга бўлганлар улуши, ‰.
Касбий тайёргарлик	Ходимларнинг малакасини ошириш курсларида иштирок этиш интенсивлиги; Иш берувчилар томонидан ходимларнинг малака оширишини инвестициялаш даражаси; Мустақил таълим олиш учун шарт-шароитлар мавжудлиги; Мотивация даражаси.
Профессионал мобиллик	Ташқи меҳнат миграциясида иштирок этувчилар сони; Ички меҳнат миграциясида иштирок этувчилар сони; Малакавий мобиллик даражаси.
Инновацион ижодкорлик	ИТТКИ соҳасида иш билан бандларнинг 1 млн. аҳолига тўғри келадиган сони, киши; Юқори технологияли тармоқларда иш билан бандларнинг улуши, ‰; Патент олиш учун рўйхатдан ўтган талабномалар сони; ИТТКИнинг давлат томонидан молиялаштирилиши, (ЯҲМ, ‰); ИТТКИнинг бизнес томонидан молиялаштирилиши, (ЯҲМ, ‰).

Иккинчи бобда «Ўзбекистонда инсон капитали ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлили» ёритилган бўлиб, унда инсон капиталини шакллантиришнинг тиббий-демографик жиҳатлари таҳлил қилинган, шу билан бирга республикада инсон капиталини ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг натижалари тадқиқ этилган. Социологик сўров натижалари асосида республикада инсон капиталини шахс ва оила даражасида инвестициялаш ҳолати таҳлил қилинган.

Бир неча ўн йилликлар давомида иқтисодчи ва демографлар томонидан аҳоли сони ўзгариши ва иқтисодий ўсиш орасидаги муносабат ўрганиб келинмоқда. Бунинг натижасида учта муқобил ёндашув шаклланди, яъни аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий ўсишга замин яратади, аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади ва бу иккала ҳодиса ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисадир²⁰.

¹⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тизимлаштирилган.

²⁰ Bloom D, Canning D, Sevilla J. Economic Growth and the Demographic Transition // NBER Working Paper No. 8685. December 2001.

Республикада содир бўлаётган демографик жараёнлар таҳлили асосида муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон шароитида аҳоли сони ўсиши, хусусан, ёш-жинс таркиби бўйича мақбул вазият ёки демографлар таърифига кўра «демографик имкониятлар дарчаси» шаклланигандан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишга туртки бўладиган омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим, соғлиқни сақлаш ва бандлик соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни талаб этади. Айнан шу даврда инсон капиталига инвестиция истиқболда яна бир ижобий натижа, яъни «демографик дивиденд» учун замин яратади.

Республикада 2019 йил 1 январь ҳолатига 18 ёшгача бўлган ёшлар 11 млн. 117,9 минг нафар ёки умумий аҳолининг 33,4 %, 30 ёшгача бўлганлар эса 18 млн. 223,3 минг нафар ёки 54,8 %ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда таълим тизими мамлакат тақдирини ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга соҳа эканлиги маълум бўлади²¹.

Мустақиллик йиллари давомида таълим соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида, хусусан, деярли 20 йил давомида амалда бўлган умумий ўрта ва ўрта махсус таълими доирасидаги «9+3» модели аҳолининг таълим даражасига кўра тузилишига ўз таъсирини кўрсатди. Бу ўз навбатида саводсиз ва бошланғич таълим даражасига эга аҳолининг деярли қолмаслиги ва республикада аҳоли орасида эгаллаган энг қуйи таълим даражаси сифатида ўрта таълим шаклланишига олиб келди. Ўрта махсус таълим даражасига эга бўлганларнинг улуши кескин ошди. 16 ёшдан катта аҳоли таркибида бу кўрсаткич 2005 йилда 21,9 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, 51,1 %га етди, яъни икки баробардан ортиққа ошди. Худди шу давр мобайнида олий таълим даражасини эгаллаганлар улуши 10,6 %дан 13,5 %га етди²².


Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар улуши ошишини корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчиларнинг маълумот даражаси бўйича тақсимланиши тўғрисидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлади. Ушбу аҳоли гуруҳи орасида ҳам маълумот даражасига кўра сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, 2000-2018 йиллар оралиғида олий маълумотлилар 17,6 %дан 35,0 %га ва ўрта махсус маълумотлилар ҳиссаси 21,7 %дан 45,6 %га, яъни икки баробардан ортиқ ошди. Бундай ўзгариш республикада иш билан банд аҳолининг етарлича юқори таълим даражасига эришганидан далолат беради.

Статистик маълумотлар таҳлили 1991-2017 йиллар давомида олий таълим билан қамров даражаси ва бундан келиб чиққан ҳолда 10 000 аҳоли сонига тўғри келувчи талабалар сонидagi ўзгариш юқорида келтирилган кўрсаткичларга тескари равишда рўй берганини кўрсатди. Таҳлил қилинган давр мобайнида олий таълим билан умумий қамров 17,4 %дан 9,2 %га ва 10 000 аҳоли сонига тўғри келадиган талабалар сони 162 кишидан 84 кишига тушди, яъни деярли икки баробарга қисқарган.

Шу билан бирга ўтган давр мобайнида республикада олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар умумжаҳон тенденцияларига ҳамоҳанг равишда содир бўлмагани маълум бўлди (4-расм).

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «Уй хўжалиқларининг танланма кузатуви» маълумотлари асосида ҳисобланган.



4-расм. 1991-2017 йилларда Ўзбекистон ва Жаҳонда олий таълим билан қамров кўрсаткичининг ўзгариши, %²³


Оила ва шахс даражасида инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришга мойилликни аниқлаш, инсон капиталига инвестициядан қайтимни баҳолаш ва тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида 2012 йилнинг февраль-март ойларида Тошкент шаҳрида турли соҳа ва тармоқларда иш билан банд бўлганлар орасида социологик сўров ўтказилди. Ўтказилган анкета сўрови асосида тадқиқотнинг асосий фаразлари тасдиқланди. Яъни респондентларнинг таълим даражаси ортиб борган сари инсон капиталига инвестиция даражаси ва ундан қайтим ҳам ошиб бориши аниқланди.

Сўров натижалари респондентларнинг деярли ярми 75-220 АҚШ долл. даражасида даромадга эгаллигини кўрсатди. Респондентларнинг даромадларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш натижасида уларнинг ёши ва жинси даромадларига таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлмади. Лекин таълим даражаси ортиши билан даромадлар ортиши тенденцияси кузатилди. 5-расмда акс эттирилганидек, даромадларнинг ортиб бориши билан олий маълумотли респондентларнинг улуши ортиб бормоқда. Яъни олий таълимдан қайтим маълум бир даражада ўз кучини намоён этган. Лекин илмий даражага эга респондентларнинг даромадлари шунга ўхшаш хулосаларни бермади. Илмий даражага эга респондентларнинг 42,8 % 75-220 АҚШ долл. даражасида даромадга эга эканликларини ва 35,7 % 220-364 АҚШ долл. даражасида даромадга эга эканлигини билдирганлар. Демак, 80 %га яқин юқори малакали илмий кадрлар олий маълумотлилар даражасида ўртача даромадга эга. Яъни олий таълимдан кейинги таълимнинг қайтим нормаси нисбатан пастлигидан далолат берди. Фан ва илмий тадқиқотлар соҳасида меҳнатнинг бу даражада рағбатлантирилиши ушбу соҳанинг жозибadorлиги ва мавқеини сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлган эди.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатиغا ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-

²³ Жаҳон банкининг расмий сайти <https://data.worldbank.org/indicator/SE.TER.ENRR> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тадбирлари тўғрисида»ги 3655-сон қарорининг қабул қилинишининг нақадар долзарблиги изоҳланади²⁴.



5-расм. Таълим даражасига кўра даромадларнинг тақсимланиши, %да²⁵

Тадқиқотнинг учинчи боби «Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» масалаларига бағишланган, унда республикада ўрта ва узоқ муддатда инсон капиталининг прогноз параметрлари, республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида таълим тизимини, хусусан, олий таълим тизимини ривожлантириш йўналишлари, шунингдек, инсон капиталини ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Инсон капиталини баҳолаш ва унинг прогнозини амалга оширишга қаратилган тадқиқотларни ўрганиш давомида Амалий тизимли таҳлил халқаро институти (International Institute for Applied Systems Analysis (IIASA)) томонидан ишлаб чиқилган кўп хусусиятли демографик прогноз усули (multistate projection), демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўлиқ мужассам этганлиги аниқланди, шу сабабли республика миллий инсон капитали прогнозини амалга оширишда айнан ушбу услубдан фойдаланилди. Ушбу моделнинг асоси демографияда қўлланувчи энг ишончли прогноз усули бўлган когорт компонент услуби бўлиб, ундан ташқари бошқа параметрлар бўйича аҳолининг ҳаракатланиши ҳам ҳисобга олинади.

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар таъсирида демографик жараёнларнинг ўзгаришини кузатиш мақсадида иккита сценарий танланди:

Биринчиси, Эришилган таълим даражасидаги нисбий миқдорлар ўзгармаслиги (НМЎС). Ушбу сценарий асосида бутун прогноз қилинаётган давр учун аҳолининг эришган таълим даражасига кўра жорий тузилиши асосида

²⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 3655-сон Қарори. <http://lex.uz/docs/3610711>

²⁵ Муаллиф томонидан амалга оширилган анкета сўров натижалари асосида тузилган.


ҳисоблаб чиқилган бошланғич таълим даражасига ўтиш, бошланғичдан ўрта ва ўртадан олий таълим даражасига эга бўлганларга ўтиш коэффициентларининг ўзгармас бўлиб қолиши назарда тутилган.

Иккинчиси, Юқори суръатлар сценарийси (ЮОСС). Бунда прогноз қилинаётган давр мобайнида 30-34 ёш гуруҳи орасида олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши узлуксиз равишда ўсиб бориши ҳисобга олинган.

Ҳисоб-китоблар PDE (Population Development Environment) дастурида амалга оширилди.

Тадқиқотда аҳолининг ҳаёти давомида турли таълим босқичлари доирасидаги ҳаракатини ҳисобга олиб, прогноз амалга оширишга ҳаракат қилинган. Таъкидлаш жоизки, прогноз демографик параметрларнинг ўзгармас бўлиб қолиш шарти билан таълимдаги ўзгаришларнинг таъсири натижасида аҳоли сони, унинг ёш-жинсий тузилишидаги ўзгаришлар қай даражада содир бўлишини намоён этиш мақсадида амалга оширилган.

Инсон капитали нуқтаи назаридан таҳлил учун умумий аҳоли таркибининг таълим даражасига кўра ўзгаришига нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибида ёки меҳнат ресурслари таркибида эришган маълумот даражасига кўра ўзгариш аҳамиятлироқдир. 2015 йилда 15 ёшдан катта аҳоли таркибида ўрта маълумотга эга бўлган аҳоли улуши 87 % ва олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши 13 %ни ташкил этган бўлса²⁶, олий таълим билан қамров кўрсаткичларининг муттасил ошиб бориши натижасида иккинчи сценарий асосида амалга оширилган прогноз натижаларига кўра, ушбу нисбат 2025 йилда 83,7 % ва 16,2 %, 2030 йилда 81,3 % ва 18,6 % ва 2035 йилда мос равишда 78,1 % ва 21,8 %ни ташкил этади.



6-расм. 2035 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ёш, жинс ва эришган таълим даражасига кўра тузилиши прогнози²⁷

Ўз навбатида, эркаклар орасида ўрта маълумотга эга бўлганлар улуши 2015 йилдаги ҳолат 84,6 % дан 2025 йилда 81,5 % ва 2035 йилда 75,9 %га ва олий маълумотлилар улуши 2015 йилдаги 15,2 % дан мос равишда 18,4 %

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


²⁷ Муаллиф томонидан амалга оширилган прогноз натижалари асосида тузилган

ва 24 % га ўзгариши рўй беради. Аёллар орасида ўрта маълумотга эга бўлганлар улуши 88,9 %дан 2025 йилда 85,9 %, 2035 йилда 80,3 %га ва олий малумотга эга бўлганлар улуши 10,8 %дан мос равишда 13,9 % ва 19,6 %га ўзгариши рўй беради. Таъкидлаш жоизки, бундай натижа 2020 йилда аҳолининг 20-30 ёш гуруҳида олий маълумотлилар улуши 16 %, 2025 йилда 25,5 %, 2030 йилда 34,2 %, 2035 йилда 41,8 % етгандагина эришилади.

